

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI**

**SAMARQAND QISHLOQ XO'JALIK
INSTITUTI**

**СИФАТЛИ УРУҒЛИК ДОН
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
(тавсиянома)**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

СИФАТЛИ УРУҒЛИК ДОН ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ
(тавсиянома)

САМАРҚАНД – 2014

633.11

с - 41

Мазкур тавсиянома қишлоқ хўжалик фанлари докторлари, профессорлар Н.Халилов, А.Аманов, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент П.Х.Бобомирзаев, ассистент Ғ.С.Ғайбуллаевлар томонидан тайёрланди.

Тавсиянома Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг Илмий Кенгашида (2014 йил 28 август № 1 сонли қарори билан) чоп қилишга тавсия этилган.

Тавсиянома мамлакатимизда ғаллачилик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган олий ўқув юрти бакалавриатура, магистратура талабалари, катта илмий ходим, изланувчилар, мустақил тадқиқотчи изланувчилар, илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари, ишлаб чиқаришда мутахассислар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари учун мўлжалланган.

resurs markazi

inv

2 070 33158/23

КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ғаллачилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларининг бирига айланди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислохотлар натижасида республикамызда бошоқли дон экинлари жумладан бугдой етиштириш ўн баробарга, ҳосилдорлик уч баробарга ошди. Шу билан биргаликда Республикамызда дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёж йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу эҳтиёжни тўла таъминлашда ғалла экинлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, наводорлик, ҳосилдорлик ва экинбоплик сифатлари юқори уруғлик экиш муҳим аҳамиятга эга.

Донли экинлар ичида бугдой экилиш майдони жихатидан жаҳонда биринчи ўринда туради. Бугдойнинг 28 тури бўлиб, шундан юмшоқ ва қаттиқ бугдой турларига мансуб навлар кўплаб экилади. Ўзбекистоннинг сувли ва лалми ерларида юмшоқ бугдойнинг 50 ортиқ нави қаттиқ бугдойнинг 10 га яқин нави экилиб келинмоқда. Бугдойдан суғориладиган ва лалми ерларда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан бири сифатли уруғларни экишдир. Бугдой уруғчилиги дон ҳосили ва сифатини оширишнинг муҳим тадбирлари тизимидир. Уруғчилик – бугдойни янги навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларни сифатли, маҳсулдор уруғларини етиштириш ҳамда кўпайтириш билан шуғулланади. Давлат реестрига киритилган навларнинг уруғларини нав тозаллиги, биологик ва хўжалик хусусиятларини сақлаб, оммавий кўпайтириш ва хўжаликларни етарли миқдорда юқори сифатли уруғлар билан таъминлаш уруғчиликнинг асосий вазифасидир. Ўзбекистонда уруғлик сифатини назорат қилишда Давлат стандартларидан фойдаланилади. Уруғлар назорати бўйича таҳлилнинг усул-амаллари, методларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш ишларини уруғлар назорати бўйича халқаро ассоциация ISTA олиб боради.

Ўзбекистон республикасида 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган Олий мажлиснинг 1-қақирқ 6-сессиясида “Уруғчилик тўғрисида” қонун қабул қилинди. Қонунда уруғчиликнинг асосий вазифалари, йўналишлари ҳуқуқий меъёрлари кўрсатилган.

Амалиёт ва ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини кўрсатишича, тўғри ташкил этилган уруғлик, сифатли уруғларни экиш буғдой ҳосилини 25-32% оширади.

Республикаимизда илғор фермер, деҳқон хўжаликларида экинбоплик сифати I ва II синф талабларига жавоб берувчи, юқори репродукцияли элита, I ва II авлод кондицияли уруғларни экиш йўлга қўйилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда уруғчиликни ташкил этишда маҳаллий тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб қўшимча чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Уруғлик буғдой донига қуйидаги Давлат стандарти талаблари қўйилган.

1-жадвал

Стандарт бўйича буғдой уруғи сифатига қўйилган талаблар

Кўрсаткичлар	Синфлар		
	1	2	3
Тозалиги, камида, %	99,0	98,0	97,0
1 кг уруғда бошқа экинлар уруғлари миқдори, кўпи билан, дона	10	40	200
Шу жумладан бегона ўтлар уруғи 1 кг да кўпи билан, дона	5	20	70
Унувчанлик камида, % :	95	92	90
юмшоқ буғдой	90	87	85
қаттиқ буғдой			
Намлик кўпи билан, %	14,0	14,0	14,0
Қорақуя халтачалари ва унинг қисмлари аралашмаси, кўпи билан, %	Йўл қўйилмайди		0,002

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур тавсияномада олиб борган тажрибаларимиз натижалари асосида суғориладиган ва лалмикор ерларда уруғлик буғдой етиштириш технологияси ва апробациядан ўтказиш бўйича тартибини тизимли асосда

ёритишни ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишни мақсад қилиб қўйилди.

Уруғлик буғдой етиштириш технологияси

Ўзбекистон республикасида буғдой етиштириш сувлик ва лалмикор ерларда ташкил қилинган. Сувли ерларда буғдой ҳосилдорлиги лалмикорликка нисбатан 6-8 марта юқори. Навдорлик, экинбоплик ва ҳосилдорлик сифатлари юқори уруғ етиштирилганда буғдойни алмашлаб экишларда, энг яхши ўтмишдошлардан кейин жойлаштириш, оптимал экиш муддатлари, усуллари, меъёрлари, ўғитлаш, нам билан таъминланганлик, тупроқни ишлаш, ташқи муҳит шароити муҳим аҳамиятга молик. Касалликлар ва зараркундаларга, бегона ўтларга қарши кураш, уруғликни биологик ва механик ифлосланишни олдини олиш, сифатли ва ўз вақтида ҳосилни ўриб-янчиб олиш, уруғликни қуритиш, тозалаш, саралаш, дорилаш ҳамда сақлаш ҳам уруғлик сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Уруғларнинг ҳосилдорлик сифати унинг йириклиги, бир текислиги, ўсиш қуввати, унвчанлиги, ўсиш кучи, оксил миқдори, касалликларга чидамлилиги ва бошқа кўрсаткичлардан иборат. Шунинг учун уруғлик экинзорлар парвариши бўйича алоҳида технология қўлланиши жоиз.

Алмашлаб экиш. Буғдой уруғлиги экинзорлари уруғчиликнинг барча босқичларида тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб алмашлаб экишларда жойлаштирилади.

Ҳозирги вақтда суғориладиган майдонларда ғўза-беда алмашлаб экиш тизими ўрнига, янги қисқа ротацияли ғўза-ғалла алмашлаб экиш тизимлари қўлланилмоқда. Уруғчилик алмашлаб экишларида нав тозалигини ифлослантirmайдиган, юқори ҳосил ва уруғлик сифатларига эга уруғ олишни таъминлайдиган ўтмишдошлардан кейин уруғлик буғдой экилади. Шунинг учун буғдой уруғлик экинзорларини бошоқли дон экинларидан кейин жойлаштириш тавсия этилмайди. Бошоқли дон экинларидан кейин тўкилган уруғлар ғудра ҳосил қилиб уруғликни нав тозалигини ифлослантиради. Уруғлари буғдой уруғларидан ажратилиши қийин бўлган экинлардан кейин ҳам буғдойни уруғлик учун экиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан биргаликда ўтмишдошларни танлашда уларни тупроқни озика моддалар билан таъминланишини камайтириш хусусияти ва

буғдойга хос бўлган касалликлар ҳамда зараркунандалар билан зарарланиши ҳам ҳисобга олинади.

Лалмикорликда уруғлик буғдой қора ва тоза шудгорга, суғориладиган ерларда беда, картошка, ғўзадан кейин жойлаштирилса сифати юқори уруғлик олинади. Сўнгги йилларда ўтказилган тажрибалар уруғлик буғдой дуккакли дон, қанд лавлагн, полиз, сабзовот, картошка, тамаки экинларидан кейин жойлаштирилганда ҳам яхши натижа олинишини кўрсатмоқда.

Уруғчиликка ихтисослашган хўжаликларда, ташкилотларда буғдой уруғчилигини хусусиятлари ҳисобга олинган алмашлаб экишларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш яхши натижа беради.

Тупроқни ишлаш. Буғдой уруғи етиштириш учун ажратилган далалар тупроғи товар дон етиштириш учун мўлжалланган дала тупроғини ишлашдан фарқ қилмайди. Аммо уруғлик буғдойзор тупроқлари ўз вақтида ва сифатли қилиб ишланиши лозим. Тупроқни асосий ишлашда бегона ўтларга қарши кураш, нам тўплаш, анғиз қолдиқларини тўла кўмилиши, тупроқни етилган пайтида ҳайдашга алоҳида эътибор берилади. Тупроқни уруғ тушадиган қатлами донадор, майин бўлиши, сеялкани яхши ишлашига ва уруғларни бир хил чуқурликка ташлашни таъминлашни талаб этилади.

Тупроқни асосий ишлашни чуқурлиги ҳамма ҳолатларда ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. Тупроқ маданий қатламининг қалинлиги, ўтмишдош экин, иқлим шароити, бегона ўтлар билан ифлосланиши, олдинги йилларда қандай чуқурликда ҳайдалганлиги ҳисобга олиниб, ҳайдаш чуқурлиги белгиланади. Лалмикорликда тупроқ 20-22 см, сувликда ўртача 28-30 см чуқурликда ҳайдалади. Тупроқ ҳолати, олдинги йилларда қандай чуқурликда ҳайдалиши ҳисобга олиниб, бегона ўтлар билан кучли ифлосланган далалар чиқиркарли плуглар билан 40-45 см чуқурликда ҳайдалиши келгуси йили 20-25 см, учинчи йил яна 40-45 см чуқур ҳайдалиши тавсия этилади. Чуқур қатламида анғиз, илдиз қолдиқлари, бегона ўт уруғлари, касалликларни чақирувчи манбалар, зараркунанда ғумбаклари икки йил давомида тўла чириб чириндига айланади, тупроқни йирик структураси қисман тикланади. Тупроқни бундай ҳайдаш тизими уруғ ҳосилдорлигини, сифатини шунингдек тупроқ унумдорлигини

оширади. Бундай чукур ҳайдаш ҳар 3 йилда бир марта тақрорланиши мақсадга мувофиқ.

Бедапоярлар ҳайдалишдан 12-15 кун олдин 6-8 см чуқурликда лушчилниклар билан ишланиб, беда ўсимлиги бошчалари қирқилади. Улар қуригандан кейин бедапоя 40-45 см чуқурликда икки ярусли плуглар билан ҳайдалади. Шундай қилинганда беда ўсимлиги бошчалари келгуси йил кўкариб бугдойзорни ифлослантирмайди. Кузги бугдой уруғлиги экиладиган дала қанча эрта экилса уруғ ҳосили ва сифати шунча юқори бўлади.

Уруғни экишга тайёрлаш. Уруғлар Петкус русумидаги дон тозалаш агрегатларида ёки уруғлик заводларида тозаланadi, калибровка қилинади, фунгицидлар билан ишланади ва халталарга жойланади.

Кузги бугдойдан мўл ҳосил олишни таъминлашда ва касалликларнинг олдини олишда уруғлик экишдан камида 24 кун олдин фунгицидлар билан ишланади. Фунгицидлар билан ишлаш майсаларни илдиз чириш ва бошқа касалликлардан 2 ой давомида химоя қилади.

Уруғлик экинзорлар учун фақат 1-синф уруғлардан фойдаланилади. 2-синф ёки 3-синф уруғлар товар дон етиштиришда фойдаланилади.

Уруғларни экишга тайёрлашда уларни бир хиллигига алоҳида эътибор берилади. Экиш учун йирик, ўртача вазндаги уруғлардан фойдаланилади. Йирик уруғлардан маҳсулдор ўсимликлар шаклланади. Йирик уруғлар экилганда вазни ҳар хил уруғлар экилгандагига нисбатан 4-6 ц/га ҳосилдорлик юқори бўлади. Кўпинча элита, I ва II авлод уруғлар етиштирилганда, уруғни тезроқ кўпайтириш мақсадида экиш материалини ҳаммаси экилади. Бундай ҳолларда уруғлик материал йириклигига қараб фракцияларга ажратилиб кейин экилса яхши натижа олинади.

Уруғлик бугдойзорларда касаллик кўзгатувчиларни йўқ қилиш тадбирига алоҳида эътибор берилади. Ҳозирги пайтда касалликларга қарши курашда қўлланиладиган препаратлар жуда кўп. Уларни кўпчилиги уруғларни экишга тайёрлашда қўлланилади. Уруғларни касалликларга қарши курашда қўлланиладиган препаратлар уруғларни кўкаришини тезлаштириб, ўсимликни ўсишини яхшилайди. Юқори меъёрда маъданли, айниқса азотли ўғитлар қўлланилганда ётиб қолишга чидамлиги

паст навларни ётиб қолишини олдини олиш мақсадида тур препаратини (60%) 4-6 л/т ҳисобида қўлланилиши яхши натижа беради. Илдиз чирпиш касаллигига қарши найчалаш фазасида 0,3-0,6 кг/га фундазолни пуркаш яхши натижа беради. Уруғларни дорилашда қўлланиладиган фунгицидларни номи, қўлланиш меъёrlари 2-жадвалда келтирилган.

Уруғлар зах ва салқин жойларда сақланган бўлса уларни шамоллатиш, офтобда қиздириш, уруғларни униб чиқиш қувватини, унувчанлигини оширади.

Уруғларни сақлашга тайёрлашда ва сақлаш жараёнида механик ифлосланиш олди олиниши керак. Бунинг учун уруғ тозалайдиган машиналар, уруғ сақланадиган халталар, омборлар, усқуналар бошқа экинлар уруғларидан, бошқа нав уруғларидан анорганик чиқитлардан тозаланади. Уруғларни экишга тайёрлаш юқори авлодлардан бошланади.

Экиш муддатлари. Суғориладиган ерларда кузги бугдойни уруғлик учун оптимал экиш муддатида экиш лозим. Сифатли уруғлар етиштиришда экиш муддатлари муҳим аҳамиятга эга. Эрта экилган бугдойзорлар занг, ун шудринг ва бошқа касалликлар билан кузги ўсув даврида зарарланиши мумкин. Натижада уруғ ҳосили ва уруғ сифати пасаяди. Жуда эрта экилса, экинзорда замбруғ касалликлари, зараркунандалар кенг тарқалиши мумкин. Шунингдек экинзор қишда совуқдан ва бошқа ноқулай омиллардан зарарланиши кучаяди.

Самарқанд вилояти учун биологик кузги навлар учун оптимал экиш муддати октябрнинг биринчи ўн кунлиги баҳори ва дуварак навлар учун октябрнинг иккинчи ўн кунлиги, Қорақолпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти учун мақбул экиш муддати 15 сентябрдан 5 октябргача ҳисобланади. Бошқа вилоятларда тупроқ-иқлим шароити инобатга олиниб экиш муддатларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ҳозирги пайтда суғориладиган ерлар учун Давлат реестрига бугдой навлари экишни қисқа (10-12 кун) муддатларда ўтказилишини талаб қилинади.

Ўзбекистон шароитида ўтказилган тажрибалар ҳар бир ўсимлик кишлаш олдидан 3-5 поя ҳосил қилганда улар қиш давридаги ноқулай шароитларга, касалликларга, зараркунандаларга чидамли бўлишини кўрсатади. Кузги ўсиш даврининг охирига келиб ҳар бир

Ўсимликда 3-6 тадан поя ҳосил бўлиши учун буғдой қишки совуқлар тушгунча 40-60 кун қолганда экилади. Бунда 5⁰ С дан ортиқ суткалик ҳароратлар йиғиндиси шу даврда 450-600⁰С бўлади. Кузги буғдойни куздаги ўсиш даврининг давомийлиги, суткалик ҳарорат йиғиндиси, тупроқ иқлим шароитига, навга қараб ўзгаради.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида ҳар бир минтақада, туманда, хўжаликда навга, тупроққа, унинг намлиги ва унумдорлигига, об-ҳаво шароитига қараб оптимал экиш муддатлари аниқланади.

Кеч экилган буғдойзордан тўла қимматли, йирик ва сифатли уруғ ҳосил олиш қийин. Шунинг учун ҳамма уруғлик буғдойзорларда уруғ экиш тегишли тупроқ-иқлим минтақаси учун оптимал муддатларда экилиши талаб этилади. Уруғлик учун уруғлар киска 5-8 кун давомида экилиб тугатилиши мумкин.

Экиш усуллари. Кузги буғдой қаторлаб (қатор оралари 15 см), тор қаторлаб (қатор ораси 7,5 см), икки томонлама қаторлар кесиштирилган усулларда экилади. Тор қаторлаб экиш илғор усул ҳисобланади. Бунда ўсимликлар майдонда бир текис тақсимланади. Тупроқда етарли намлик ва озика моддалар бўлганда улар яхши ўсади, ривожланади, ёруғликдан, намликдан озика моддалардан яхши фойдаланади, бир-бирини қисиб қўймайди, тупланиши ва маҳсулдорлиги юқори бўлади. Бунда ўсимликлар бегона ўтлар томонидан кам қисилади, тупроқдан нам кам буғланади.

Кузги буғдой тор қаторлаб ва қаторлар кесиштириб экилганда тупроқда нам етарли бўлса ҳосилдорлик бўйича оддий қаторлаб экишдан афзаллиги йўқ.

Ҳозирги пайтда уруғларни майдонга бир текис тақсимлайдиган ва тупроққа яхши кўмадиган қаторсиз сеялкалар яратилмоқда. Дастлабки тажрибалар қаторсиз экиш усулини юқори самарадорлигини кўсатмоқда.

Агар буғдой ўғит сепиш мосламалари ёрдамида экилса уруғлик ерга бир текис тушмайди Трактор излари атрофида қалин, аксинча 3 метрдан кейин сийрак бўлиб қолади. Энг салбий ҳолат жўяк олиш жараёнида 25-30 % уруғлик белгиланган чуқурликдан пастга ва 10-12 фоизи эса юзага чиқиб қолади. Чуқурликка тушиб кетган уруғлар униб чиқолмайди. Юзага тушганларининг эса қушлар еб кетади. Натижада бир гектарда ўртача ниҳоллар сони 25-30 фозгга кам бўлади.

Уруғчилик амалиётида уруғчиликнинг босқичига боғлиқ ҳолда турли экиш усуллари қўлланилади. Экиш усуллари тупроқ-иқлим шароити, тупроқнинг экишга тайёрланиши ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда белгиланади.

Бирламчи уруғчиликда қаторлаб ва тор қаторлаб экиш усулидан ташқари кенг қаторлаб экиш усули ҳам қўлланилади. Самарқанд вилоятида ўтказилган тажрибаларда кузги бугдойни интенсив навлари Половчанка ва Улуғбек-600 қатор оралари 15 см қилиб экилганда кондицион уруғларнинг чиқиши, экинбоплик сифатлари юқори уруғлик ҳосили олинган.

Янги истикболли ёки Давлат реестрига киритилган навларни тез кўпайтириш вазифаси қўйилган бўлса кенг қаторлаб кам меъёрларда экиш қўлланилади.

Экиш меъёрлари. Экиш меъёри гектарига килограмм ёки униб иккадиган уруғлар сони (миллион ҳисобида 1 га экилган уруғлар) билан ифодаланади. Уруғларни вазни бўйича экиш меъёри белгиланганда уларнинг йириклиги эътиборга олинмайди. Шунинг учун 1000 дона уруғ вазни ҳар хил бўлганда вазни бир хил экиш меъёрида турли сондаги уруғлар экилиб озиқланиш майдони ҳар хил бўлади. Экиш меъёрини бир гектарга экиладиган уруғлар сонига қараб аниқлаш тўғри бўлади. Бунда йириклиги ҳар хил уруғлар экилганда ҳам ўсимликларни озиқланиш майдони бир хил бўлади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида экиш меъёрлари гектарига 4,0; 4,5; 5,0 млн/га уруғ ҳисобида тавсия қилинмоқда.

Кузги бугдойни экиш меъёрлари ҳам ҳар бир минтақа, хўжалик, дала, нав учун ўтмишдошлар, ўғитлаш, суғориш, экиш муддати ва бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

Уруғлик экинзорда экинбоплик, ҳосилдорлик сифатлари юқори, мўл ҳосил етиштириш учун навнинг биологик хусусиятлари, ўғитлаш, суғориш ҳисобга олиниб, экиш меъёрлари белгиланади. Тажрибаларга кўра, қатор оралари 7,5 см қилиб экилганда 3,0 млн, 15 см қилиб экилганда 4,0 млн, ўсаётган ғўза қатор ораларига экилганда 5,0 млн. унвчан уруғ бир гектарга экилганда энг юқори экинбоплик сифатларига эга, мўл уруғлик бугдой ҳосили олинади.

Уруғлик майдонларида тупланиш даражаси ортиши уруғ шаклланиши ва пишиш жараёнини ҳар хил муддатда ўтишига олиб

келади. Натижада етиштирилган уруғлик ҳар хил бўлиб, уни экиш сифати пасаяди. Кузги бугдой етиштиришда экиш меъёрларига бўлган талаб маълум ер майдонини мақбул кўчат қалинлиги ва маҳсулдор поялар билан таъминлашдан иборат. Уруғлик майдонлар учун шундай майдонларни танлаш керакки, у майдондаги бош поялар сони 90-95 фоизни ташкил этсин.

Суғориладиган ерлар шароитида Краснодар селекциясига мансуб Москвич, Краснодар 99, Таня каби юмшоқ бугдой навлари уруғлик майдонларига экиш меъёрини гектарига 4,0-5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиш, юқори сифатли уруғ етиштириш омилларидан бири ҳисобланган.

Кузги бугдой гектарига 2,0 млн. унувчан уруғ меъёрида экилганда, ўсимликнинг тупланиши кучли бўлиб, иккинчи, учинчи ва кейинги новдалардаги донлар майда ҳамда экинбоплик сифатлари паст бўлиши аниқланган. Уруғлик экинзорларда ўтмишдош ва экиш усуллари, навга боғлиқ ҳолда гектарига 3,0-5,0 млн. унувчан кузги бугдой уруғлари экиш мақсадга мувофиқ.

Уруғлик экинзорларда уруғларнинг бир текис тақсимланиши, бир хил чуқурликка экилиши, қайта экилиши, сеялқалар қайтиб оладиган жойларда устма-уст экилишига йўл қўйилмайди.

Экиш чуқурлиги. Униб чиқаётган майсага тупрокнинг қаршилиги унинг механик таркибига боғлиқ бўлади. Майсаларнинг униб чиқишга айниқса оғир лой тупроқлар кўп қаршилиқ қилади. Шунинг учун оғир лой тупроқларда уруғлар 4-5 см чуқурликда экилади, ўртача қумоқ тупроқларда уруғлар 5-6 см, енгил тупроқларда 7-8 см чуқурликда экилади. Тупроқнинг юза қатлами жуда қуриб кетганда уруғлар енгил тупроқарда 8-10 см чуқурликда экилиши мумкин.

Ўғитлаш. Бугдойдан юқори сифатли уруғ олишда ўсимликни ўсув даврида етарли миқдорда озика моддалар билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Асосий озика элементлари азот, фосфор, калийни муътадил нисбатларда ва меъёрда бўлиши ҳосилдорлик, экинбоплик сифатлари юқори уруғлик етиштиришга имкон беради. Азотли ўғитларнинг йиллик меъёри 180 кг/га бўлганда Зарафшон водийсида ўтказилган бир қатор тажрибаларни натижаларига кўра қуйидагича тақсимланади: а). гектарига 30 кг экиш олдидан культивация билан, 75 кг эрта баҳорда, 75 кг

найчалаш фазасида.б). 60 кг экиш олдидан культивация билан 90 кг эрта баҳорда, 30 кг бошоқлаш фазасида.

Азотли ўғитларни бир қисмини 30 кг/га бошоқлаш фазасида бериш ҳосилдорликни оширмасада дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдорини оширади. Кучли бугдой ўстиришда бошоқлаш фазасида ўтказилган озиклантиришлар муҳим аҳамиятга эга. Азотли ўғитлар билан озиклантириш албатта ёғингарчиликлар ёки суғориш билан уйғунлашган ҳолда қўлланилиши лозим. Қуриган тупроқ юзасига азотли ўғитларни солиш самара бермайди. Сабаби у ҳавога газ ҳолида қўшилиб кетади.

Таҷрибаларнинг кўрсатишича, фосфорли ўғитлар чуқур солинганда саёз солингандагига нисбатан беш баробар тўлароқ ўзлаштирилади ва унинг ўсимлик таркибидаги миқдори саёз солингандагига нисбатан 1,5 баробар кўп бўлган. Фосфор тупроқда деярли ҳаракат қилмайди, кўчиб юрмайди. Фосфор тупроқнинг сингдирувчи комплексига (ТСК) тез адсорбцияланади ва сув тупроқда етарли бўлганда ҳам 1,0 – 4,0 см кенгликда тарқалиши мумкин.

Қаттиқ фосфорли ўғитлар тупроқда нам етарли бўлган, атмосфера ёғингарчиликлари кўп бўлган йиллари ҳам тупроқ юзасига сочиб солинганда уларни 85 – 95 фоизи, тупроқ юзасидан 2 см пастга силжийди. Бу чуқурликдаги тупроқ қатламида ўсимлик илдизлари, тупроқ қатлами тез қуриб қолиши туфайли тарқалмайди. Бинобарин тупроқ юзасига солинган фосфорли ўғитлар ўсимлик томонидан деярли ўзлаштирилмайди.

Ўсимликни фосфор билан яхши таъминланиши азотни ўзлаштирилишини яхшилайтиди. Шунингдек азотли озиклантиришни оптималлаштириш ўсимлик томонидан фосфор, калий, кальций ҳамда бир қатор микроэлементларни ўзлаштиришни кучайтирилади. Ортиқча фосфор ўсимликни мис, темир, марганецни ўзлаштиришини камайтиради.

Ҳозирда фосфорли ўғитлар кузги бугдой учун тупроқни ҳайдаш олдидан 80% солинса, 20% экиш билан бериш тавсия этилади. Кузги бугдой учун суғориладиган ерларда режалаштирилган ҳосил ва тупроқ агрокартограммаси ҳисобга олинган ҳолда гектарига 90-120 кг фосфорли ўғит бериш тавсия этилмоқда.

УРУГЛАРНИ ДОРИЛАШДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ФУНГИЦИДЛАР

Уругларни дориланда қўлланиладиган препаратлар					Уругларни иниш сони
Байтан- универсал, 19,5% н.к.к.	2,0	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	Уруғ препаратининг сусписиясида (1 т донга 10 л сув дориланади)	1
Виннит, 5,0% сус.к.	1,5-2,0	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	1
Витавакс 200 ФФ 34% с.с.к.	2,0-2,5	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя, гельминтоспориоз, септориоз, доғлашиш, илдиш чириниш	-/-/-/-	1
Дивиденд, 3% сус.к.	2,0	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	1
Паноктин, 35% с.с.	2,0	Бугдой	Қатик қора қуя	-/-/-/-	1
Премис, 2,5% сус.к.	1,5-2,0	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	1
Паноктин, 34% с.с.	2,0	Бугдой	Қатик қора қуя	-/-/-/-	1
Премис 2,5%	1,5-2,0	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	1
Премис, 2,3% сус.к.	1,5	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	1
Ракент ОРЗ, 6% с.с.с.	0,4-0,5	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	2
Суми-8, 2% н.к.к., Суми-8, 2% сус.к.	2,0-1,5	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	1
Топсин - М, 70% н.к.к.	1,0-1,5	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	2
Фундазол, 50%, х.к.	2,0-3,0	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя, илдиш чириниш, моғорлаш	-/-/-/-	1
	2,0-3,0	Арпа	Чанг ва катик қора қуя, фузариоз, илдиш чириниш	-/-/-/-	2
ХС-27% Н.к.к.	3,0	Бугдой	Чанг ва катик қора қуя	-/-/-/-	1

Фосфорли ўғитлар, айниқса уларни бир қисмини экиш билан бирга бериш юқори сифатли экиш материални шаклланишини таъминлайди. Бугдой ўсимлигини дастлабки ривожланиш фазаларидан бошлаб етрали миқдорда фосфор билан таъминланиши ўсимликни қурғоқчиликка, касалликларга чидамлигини ошириб бакувват илдиз тизимини шаклланишига имкон беради. Азотли ўғитлар ҳосилдорликни оширади, аммо азот билан оргиқча озикланиш уруғлик сифатларига салбий таъсир кўрсатади, унувчанлик пасаяди, кейинги авлодда илдиз тизими сует ривожланади.

Ўсимлик калий билан яхши озикланса совуққа, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамлиги ошади. У уруғ ҳосил бўлиши ва пишишини яхшилаиди, ўсимликнинг азотдан айниқса аммаиакдан яхши фойдаланишига имкон беради, ўсимликнинг ён илдизлари ҳосил бўлишига қулайлик туғдиради

Кузги бугдой ривожланишининг дастлабки даврида фосфорли калийли озикланишга талаб кучаяди ва шу туфайли яхши илдиз отади, тез ўсади, кўп миқдорда шакар туплайди. Бу эса ўз навбатида музлаб қолишнинг олдини олади. Фосфор ва калий билан яхши озикланган ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлиги юқорироқ бўлади.

Калийли ва азотли ўғит биргаликда ишлатилганда ўсимликнинг улардан фойдаланиш коэффиценти 10 – 15 % га, фосфор билан ишлатилганда 5 – 10 % га ошади. Улар суғориладиган сув билан биргаликда солинганда ўғитдан озик модаларнинг фойдаланиш коэффиценти 20 – 30 % га, ҳосилдорлик 8 – 15 % га ошади, меҳнатга ҳаражат 25 % га қисқаради.

Ҳозирда суғориладган ерларда кузги бугдойга калийли ўғитлар гектарига 60-100 кг(т.қ.м.х.) қўлланилмоқда ва унинг ҳаммаси тупроқни ишлаш олдида солиниши тавсия этилмоқда.

Калий ўсимликда углеводлар синтезини кучайтириш билан биргаликда ўсимликни ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига, қурғоқчиликка, иссиқликка, совуққа, шунингдек касалликларга, зараркунандаларга чидамлигини оширади.

Микроэлементлар тупроқ таркибига боғлиқ ҳолда айрим минтакаларда уруғ ҳосили ва экинбоплик сифатларини оширади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган бўз тупроклари шароитида уруғлик бугдойга органик ўғитларни солиниши ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Суғориш тартиби. Уруғлик бугдой етиштиришда ўсимликни оптимал намлик билан таъминланиши асосий омиллардан биридир. Уруғлик бугдойзорлар эгатлар олиниб суғорилади. Очик майдонларда экишдан 10-15 кун олдин нам тўплайдиган суғоришлар гектарига $1000-1200 \text{ м}^3$ меъёрда ўтказилади ва ўсув даврида тупроқ механик таркиби, сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги, ёгингарчиликлар ҳисобга олинган ҳолда 3-5 марта ($500-600 \text{ м}^3$ /га меъёрда) суғорилади. Ўза қатор ораларига уруғлик қузғи бугдой экишда, экишдан 10-12 кун олдин суғорилади ёки уруғлар экилгандан кейин суғорилади.

Ҳосилдорликка путур етказмасдан сув сарфини камайтиришда ўқ ариқлар орасини 60-80 м, тупроқни намлаш чуқурлигини 1 м эмас 50-60 см қилиб суғоришни ўтказиш яхши натижа беради. Бунда суғориш меъёрлари тупроқ механик таркибига боғлиқ ҳолда $700-750 \text{ м}^3$ ўрнига $500-600 \text{ м}^3$ ни ташкил қилади. Дала узунлиги катта бўлганда ғаллазорни узунасига бир текисда намланиши учун суғоришни даланинг этак қисмидан бошлаб, охирини юқори қисмида тугаллашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Суғориш давомийлиги ўқ ариқлар ораси 60-80 м бўлганда тупроқ механик таркибига боғлиқ ҳолда 7-10 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Охириги -донни сут пишиш давридаги суғоришда, сувни далани охирига етиши билан тўхтатилиши кифоя.

Қузғи бугдойни макбул муддатларда экиш 1 т дон етиштириш учун сарфланган сув миқдорини тежашга имкон беради. Уруғни эрта ёки кеч экиш сув сарфини ошишига олиб келади.

Касалликлари. Бугдойда сариқ занг, қўнғир занг, ун шудринг, фузариоз, септориоз касалликлари учрайди. Энг хавфлиси Ўзбекистон шароитида сариқ занг ҳисобланади.

Бугдой сариқ занги. Бу касаллик қўнғир зангга нисбатан камроқ тарқалган, аммо келтирадиган зарари юқори бўлгани учун, ўта хавфли ҳисобланади. Сариқ занг ҳатто дон тўлиш фазасида учраганда ҳам 5-10 фоиздан 30-35 фоизгача ҳосилни нобуд қилади. Касаллик экинларда эрта бошланган бўлса, мисол учун байроқ барг чиқиши фазасида (бошоқ чиқиш

арафасида) сариқ занг ривожланиш даражаси ўртача 50-60% га етса, дон ҳосилининг 33,5-39,4 фоизи йўқотилиши мумкин.

Касаллик белгилари: кўнғир зангдан фарқли ўлароқ, сариқ занг баргларида узун, қатор-қатор жойлашган, равшан сариқ урединопустулалар ҳосил қилади. Сариқ зангнинг экинларга тарқалиши ва кишлоқ хусусиятлари кўнғир зангникидан фарқ қилмайди, аммо об-ҳавога муносабатлари ҳар хил. Сариқ занг ҳам ёмғир, шудринг талаб қилади, аммо бу касаллик учун қулай ҳарорат анча паст. Сариқ занг споралари муз эриш ҳароратидаёқ (0°C да) ўсишни бошлайди, $9-13^{\circ}\text{C}$ да қулай ўсади ва ўсишни 23°C гача даввом эттиради. Спора ўсимталари бугдой барги тўқималари ичига ҳарорат 2°C ва 23°C (оптимум $8-13^{\circ}\text{C}$) бўлганида киради. Янги споралар ҳосил бўлиши 5°C ва 20°C орасида, энг қулай $12-15^{\circ}\text{C}$ ҳароратда кузатилади.

Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўтказган текширувлар Ўзбекистонда экилаётган бугдой навларининг аксарияти сариқ зангга чидамсиз ёки ўта чидамсиз эканлигини кўрсатади.

Заракунандалар. Республикамізда кенг тарқалган бошоқли дон экинларининг асосий заракунандаларига куйидагилар киради:

Зарарли хасва. Зарарли хасва билан зарарланган ўсимликда заракунанда зичлигига қўра 30-40% гача ҳосилдорлик камаяди, янги дон – уруғнинг унвчанлиги эса 50% гача пасайиши қайд қилинган. Дон сифати кескин пасайиб уни нон ёпишга яроқсиз бўлиб қолади. Хасванинг кишлаб чиққан бўғинига қарши кимёвий кураш бугдойнинг тупланиш пайтида ҳар 1 м^2 майдонга ўртача 1-2 ва ундан кўп вояга етган хасва тўғри келса ўтказилади. Янги бўғинига қарши эса ғалла бошоқланиши билан ҳар 1 м^2 ерда 5-10 та хасва личинкалари тўғри келса ўтказилади.

Ғалла ширалари, трипслар, шилимшиқ курт ва бошқалари кўп учрайди. *Оддий ғалла шираси* Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида кенг тарқалган бўлиб, айниқса кузги ва баҳорги бугдойни, жавдар, сули, тарик, шоли, маккажўхори, оқ жўхори ва кўп йиллик ғалладош ўтларни шикастлайди. Заракунанда кучли ривожланганда колониялар ҳосил қилади. Барг ва новдалардан тўқима ширасини сўриш натижасида ўсимлик заифлашади,

барглариини ранги саргаяди, буришади ва қуриydi. Ёшлигидан кучли зарарланган ўсимликлар бошоқ чиқармайди.

Бегона ўтлар. Бегона ўтларнинг Ўзбекистонда 200 га яқин тури учрайди. Бегона ўтлар маданий экинлар орасида ўсиб, тупрокдаги озикқа моддаларни ва намликни ўзлаштириб, экинларни меъёрида озикланишига имкон бермайди, ҳосилдоликни камайтиради, олинадиган маҳсулотни, донни, ифлослантиради, сифатини пасайтиради ва комбайнларни ҳосилни уриб-янчишини қийинлаштиради. Печак (чирмовук), бурган ғаллазорда кўпайиб кетса ҳосилни ўриб-янчишни иложи бўлмайди.

Бегона ўтлар зараркунандалар кўпайиши учун қўшимча хўжайин, ҳамда озикқа моддалар манбаидир. Бегона ўтлар (уруғлари) аралашган доннинг нархи ва сифати пасаяди. Кўйпечак ва кумри ўт бошоқли дон экинлари пояларига чирмашиб ётқизади, комбайн ишлашини қийинлаштиради, ўрим-йиғим техникасининг самарадорлиги 30-40% га пасаяди ва дон ерга тўкилиб, исроф бўлади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўт босган далаларда ғалла ҳосилининг ўртача 10-15 % нобуд бўлар экан.

Ҳосилни йиғиштириб олиш. Уруғлик кузги бугдой экилиш муддати, парваришlash жараёни ва экилган навлар хусусиятларига боғлиқ ҳолда июнь ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлигида пишиб етилади. Шунинг учун ҳам уруғлик кузги бугдой ҳосилини йиғиштириб олиш чора-тадбирларига пухта тайёргарлик қуриш лозим. Етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш учун далани ўримга тайёрлаш керак. Ҳосилни қисқа вақт давомида нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, дон етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан биридир. Ҳосилни қисқа 9-12 кундан кўп бўлмаган даврда йиғиштириб олиш керак. Акс ҳолда бугдой таркибидаги бир қисм намликни йўқотади ва тўкила бошлайди. Бу биринчидан ҳосил ва унинг сифатини пасайтиради иккинчидан бундай дондан уруғлик сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, бугдойнинг нав хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир навни ўрим-йиғимини ҳосил тўлиқ пишиб етилгач, 5-6 кундан кейин ўрим бошланиши лозим.

Кўпинча ҳосилни йиғиштириш пайтида нобуд бўлиши 10-20% ноқулай шароитларда 30% ва ундан кўп бўлиши мумкин.

Inv № 87-33158/23¹⁷

Ҳосил нобуд бўлиши механик, физиологик шунингдек йиғиштириш машиналарининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Механик нобуд бўлиш доннинг бошоқдан тўкилиши, бошоқларнинг синиши билан боғлиқ. Улар навларнинг биологик хусусиятлари, йиғиштириш муддатлари ҳосилни йиғиштириш олдидан ва пайтидаги об-ҳавога боғлиқ. Айниқса йиғиштириш кечикканда ҳосилни нобуд бўлиши ортади.

Физиологик нобуд бўлишда дон тўла пишгандан кейин нам ҳавода дондаги гидролитик ферментларнинг биологик фаоллиги ортади, дондаги курук модданинг йўқолиши кучаяди. Ўзбекистон шароитида ҳосилнинг физиологик нобуд бўлиши жуда кам учрайди.

Комбайнда янчишдаги нобудгарчилик ўрилган экин намлигига қараб декаларни ростлаш, вентилятор ва ғалвирларни дон чиқиб кетмайдиган қилиб созлаш, ворохтранспортёр тагига дон тутиб қолгич ўрнатиш, серсомон ўсимликларни уларни қаттиқ силкитмаслик йўли билан камайтирилади.

Ғалла ўрими уюшқоқлик билан олиб бориш учун чоратадбирлар белгиланади. Етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишда комбайнлар ишини отряд ва гуруҳлар усулида ташкил этиш, буғдой ҳосилини пишиб етилишини тўғри белгилаб ўрим маршрутини карталар бўйича тўғри асослаб чизиб чиқиш ишлари, ўрим даврида содир бўладиган дон нобудгарчилигини бартараф этади ва техникадан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Уруғлик буғдойзорларда товар дон етиштиришда қўлланиладиган барча агротехник тадбирлар қўлланилади. Аммо уруғлик буғдойзорларда барча технологик усуллар ўз вақтида ҳамда сифатли қилиб ўтказилади. Айниқса касалликлар, зараркунандалар, бегона ўтларга қарши кураш биринчи ўринга қўйилади. Уруғлик буғдойзорлардаги энг муҳим агротехник тадбирлардан бири тур ва нав ўтоғидир. Тур ўтоғига буғдойни бошоқлаш фазасидан ва қисман нав ўтоғига киришиш мумкин.

Асосий нав ўтоғига ҳосилни йиғиштириш олдидан, донни мумпишиш фазасидан бошлаб киришилади. Бу даврда нав белгилари яққол кўзга ташланади. Шунингдек, тур, нав ўтоғи пайтида касалланган ўсимликлар, бегона ўтлар ўтоқ қилиниб пайкалдан чиқариб ташланади. Тур ва нав ўтоқлари ўтказилгандан кейин

ҳосилни йиғиштириш олдидан тегишли йўриқномалар, меъёрлар асосида уруғлик экинзорлар апробацияси ўтказилади.

Стандарт уруғликларга мувофиқлик сертификати, ностандарт уруғликларга эса уларнинг сифати тўғрисида талон берилади. Уруғликларнинг нави ва экинбоплик хусусиятлари кўрсатилган мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган тақдирда уларни реализация қилишга рухсат этилади. Кимёвий ёки биологик ишлов берилган уруғлар истеъмолчига ёки савдо тармоғига фақат ўралган ҳолда етказиб берилади. Ҳар бир ўрамда қайси турда ишлов берилганлиги кўрсатилган ёрлик ва хавфсизлик чора-тадбирлари тўғрисидаги йўриқнома бўлиши шарт.

Давлат реестрига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган навлар уруғлари экишга рухсат этилади. Давлат реестрига киритилмаган навлар ва дурагайларнинг уруғларини сотиш мумкин эмас.

Муомалага киритилаётган уруғликлар давлат стандартлари талабларига мувофиқ албатта тамғаланади ва халталарга жойланади.

Карантиндаги ва бошқа хавфли ҳашаротлар, ўсимлик касалликлари ёки бегона ўтлар кенг тарқалган давлатлардан келтирилган уруғликларни республика ҳудудида тарқатиш тақиқланади.

Апробация ўтказиш учун селекционер-уруғчи олимлар, вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари, "Ўздавуруғназоратмаркази" ходимларидан иборат комиссия ташкил қилинади.

УРУҒЛИК БУҒДОЙЗОР АПРОБАЦИЯСИ

Бугдой апробациясида доннинг мум пишиш бошланишида апробация боғламлари олинади. Даланинг энг узун диагонали бўйлаб бир хил узоқликдаги жойлардан 150 тадан кам бўлмаган нуқтадан тўғри келган ўсимликлар ўриб ёки суғириб олинади. Битта апробация боғламида камида 1500 та нормал ривожланган поя бўлиши керак. Ҳар 450 гектардан битта апробация боғлами тайёрланади.

Илмий-тадқиқот муассасаларида, ўқув-тажриба, элита уруғчилик, уруғчилик хўжаликларида ҳар бир даладан икки диагонал бўйича иккита намуна олинади. Улар алоҳида таҳлил қилинади., натижаси апробация актига ёзилади. Барча кўрсаткичлар экиннинг нав тозалиги ва бошқалар апробация боғламида аниқланади.

Апробация қилаётган мутахассислар апробация боғламларини олиш билан бирга кўз билан чамалаб бегона ўт турларини ва қуйидаги тартибда аниқланади:

Бегона ўтлар бўлмаса – «0».

Озроқ бўлса – «1»

Ўртача ифлосланган бўлса – «2»

Жуда кўп бўлса – «3» балл қўйилади.

Ҳар бир даладан олинган ўсимликларни шу ернинг ўзида боғлаб, ичига ва устига хўжаликнинг номи, алмашлаб экиш даласи ёки майдони, экиннинг, навнинг номи, намуна олинган кун ёзилган этикетка қўйилади. Апробация боғламлари икки кун ичида махсус ажратилган жойда икки кун давомида тўла таҳлил қилинади.

Боғламдаги ўсимликлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади: апробация қилинаётган экин навининг яхши ривожланган соғлом поялари;

шу экиннинг бошқа навлари, тур хиллари, турларнинг поялари;

асосий экиннинг касалланган ва зарарланган поялари;

ажратиш қийин бўлган бегона ўтларнинг поялари;

тақиқланган (карантин) бегона ўтларнинг поялари;

энг хавфли бегона ўтларнинг поялари;

асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялари;

Апробация боғламидаги пояларнинг тегишли гуруҳларга ажратиб, уларни санаб, ҳар бир гуруҳ ўсимлик пояларининг миқдори фоиз ҳисобида аниқланади.

Таҳлил натижасида олинган маълумотларга асосланиб буғдойнинг касалланиш даражаси белгиланиб, текширилган ўсимликлар алоҳида-алоҳида боғланади. Асосий нав поялари 100 тадан қилиб боғланиб, кейин ҳаммасини тўплаб, олдинги этикеткага қўшимча қилиб апробация актини «Текшириш натижалари» графасига ёзиб, тақиқланган бегона ўтларнинг номлари ва миқдори кўрсатилади.

Уруғликка берилган наводорлик гувоҳномасида тақиқланган, заҳарли ва энг ҳавфли бегона ўт уруғларининг борлиги албатта кўрсатилади.

Буғдой уруғлари куйидаги ҳолларда уруғлик учун яроқсиз ҳисобланади:

а) ажратиш қийин бўлган маданий ўсимликларнинг умумий аралашмаси 5% ортиқ бўлса;

б) ажратиш қийин бўлган маданий ўсимликларнинг умумий аралашмаси 5% ортиқ бўлса;

в) буғдой чанг қорақуя билан 2% ортиқ, қаттиқ қора куя билан 5% ортиқ зарарланган бўлса.

Буғдой элита экинзори чанг қорақуя билан 0,1% ортиқ, қорақуя билан 0,05%, ортиқ зарарланган бўлса улар элита сифатида яроқсиз ҳисобланади.

Бегона ўтлар билан ифлосланган ва касалланган далалар алоҳида йиғиштирилиб, алоҳида сақланади.

Қаттиқ ва юмшоқ буғдой уруғлик далалари бир-биридан камида 150 м узокликда жойлаштирилади.

Уруғлик буғдойзор ҳосилини йиғиштиришга тайёргарлик ҳосилни йиғиштиришдан анча олдин бошланади ва комбайнлар, ўроқ машиналари, йўллар, уруғ тозалайдиган машиналар, заводлар, цехлар, омборхона, хирмон ва омбор ишчилари билан семинарлар ўтказилади, кўрсатмалар берилади. Уруғлик етиштириш технологик хариталарида, уруғлик буғдойзорлар ҳосилини йиғиштириш муддатлари, усуллари, уруғларни тозалаш жойлари аниқланиб, кўрсатилади.

Уруғлик буғдойзорларни икки фазали усулда ўриб-янчиб олиш маъқул. Уруғлик пайкалларни ҳамма томонидан 4-5 м кенгликда

ўрилади. Бундай жойларда янчиб олинган уруғлик товар сифатида ишлатилади.

Дастлаб донлардаги намлик 35-36% ошмаганда, мум пишиш фазасини ўртасида уруғлик буғдойзор ўрилиб дасталаб кетилади. Дон намлиги дастада 16-18% етганда комбайнлар билан янчиб олинади. Янчиш кечикиб кетса ҳосил ва уруғни экинбоплик сифатларини пасайишига олиб келади. Донни янчиш учун яхши созланган комбайнлардан фойдаланилади.

Комбайнларни созлашда барабанларни айланиш тезлиги, янчиш аппаратини тишларини ўрнатилиши, улар сонига эътибор берилади. Бункерлар яхши тозаланиб кейин биринчи бункердан товар дон сифатида ишлатилади.

Ўзбекистонда уруғлик буғдойни бевосита комбайнлар ёрдамида ўриб-янчиб олиш кенг тарқалган. Уруғлик буғдойзорда дон намлиги 17% бўлганда ҳосилни йиғиштиришга киришилади. Дон таркибида намликни кўп бўлиши уруғлик массани кизиб кетишига, экинбоплик сифатларини пасайишига олиб келади. Уруғлик экинзорни дастлаб атрофи ўрилади ва ундан чиққан дон товар мақсадларда ишлатилади. Эрталабки пайтларда барабанларни айланиш тезлиги (1000-1200 минутига) кўп, куннинг иккинчи ярмида (800-900 минутига) камроқ бўлади.

Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги юқори “Кейс”, “Джон-Дир”, “Класс”, “Е-500” дон комбайнларидан уруғлик буғдойзор ҳосилини ўриб-янчиб олишда фойдаланилмоқда.

Комбайнлар иш унумдорлиги юқори бўлиши учун олдиндан ўқ ариқлар, қайтиб оладиган йўлақлар текисланади. Ҳар бир комбайнга тегишли уруғ ташийдиган донлар ажратилади. Уруғлар комбайнлардан уруғларни тозалайдиган, қуритайдиган, саралайдиган линияларга олиб борилади. Уруғлар “Петкус-гигант”, “Супер-Петкус”, уруғ тозалайдиган машиналар, цехларда тозаланиб, сараланиб, дориланиб сифати I-синф талабига жавоб берадиган ҳолда сақлашга ажратилади. I-синф талабларига жавоб бермаса кондицияга етгунча қайта тозаланади, сараланади.

Тозаланган, қуритилган, намлиги 14% ортик бўлмаган, I-синф талабларига жавоб берадиган уруғлар, омборда 5-6 м қалинликда, 12 м бўлган бункерларда ёки элита, I – репродукция уруғлар бўлса қопларда сақланади. Ҳозирда I, II, III – репродукция уруғлари ҳам қопланиб сақланмоқда. Қоплар табелларда 8 тадан қилиб

сақланади. Сақланиш даврида уруғлар намлиги, ҳарорат режими бошқарилиб, кузатилиб турилади.

Апробация фермер хўжаликларини ҳар йили Давлат реестрига киритилган, экишга тавсия этилган, ноёб ва истиқболли навларнинг шу нав учун хос қимматли белги ва хусусиятларини сақлаган уруғлар билан таъминлаш учун экилган майдонларда ўтказилади.

Апробациянинг асосий мақсади –уруғлик майдонлардан олинадиган ҳосилни наводорлиги юқори уруғлик сифатида фойдаланиш мумкинлигини аниқлашдан иборатдир. Бунда хўжалик далаларида ғалланинг наводорлик сифатини сақлаб қолиш мақсадида бажарилаётган ишларига баҳо берилади. Экинзорларнинг наводорлик сифатини баҳолашдан ташқари, майдонларни қийин ажраладиган маданий ўсимликлар ва бегона ўтлар, шу жумладан, тақиқланган (карантин) энг хавфли ва захарлилари билан ифлосланганлиги, касаллик ва қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан зарарланиш даражаси аниқланади.

Шу билан биргаликда уруғлик хўжаликларида юқори сифатли уруғ етиштириш бўйича уруғчилик қондаларига риоя қилинаётганлиги назорат қилинади. Бегона ўт ва бошқа навлардан ўтоқ қилиниши, уларни сифати, уруғлик майдонларни ўрим-йигимга тайёргарлиги, омборларнинг ҳолати, ҳужжатларнинг тўғри юритилиши кўриб чиқилади.

Апробация ўтказиладиган уруғлик майдонлари ажратилиб, уруғлик тайёрлаш топшириқларига эга бўлган фермер хўжаликлари, илмий муассасалар, ўқув юртлари, коллежларнинг тажриба хўжаликларида ўтказилади.

Бошқа майдонлардаги наводор экинзорлар фақат рўйхатга олинishi (регистрация) мумкин. Уруғлик тайёрлайдиган хўжаликларга вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қанча майдонда апробация ўтказилиши кераклиги ҳақидаги топшириқларни етказилади.

Дала апробациясини куйидагилар ўтказадилар: а) кўпайтириш кўчатзори, суперэлита ва элита майдонларига эга бўлган барча турдаги хўжаликларда дала апробациясини вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан тузилган махсус таркибли хайъат (комиссия) ўтказилади.

Унинг таркибида вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалигининг мутахассиси ва албатта биронта селекционер ёки бошланғич уруғчилик бўлимининг малакали ходими бўлиши шарт; б) давлат захираларига 1- репродукция сара уруғларини сотиш топшириғига эга бўлган ҳўжаликларда апробацияни, шу тадбирни ўтказиш учун махсус курсларни битириб, ҳужжатга эга бўлган туман Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг мутахассиси, давлат нав синаш маскани бўлимининг, туман „Уруғназоратмаркази“ бўлимининг ходимларидан бири ва ҳўжаликнинг малакали мутахассиси ўтказиши мумкин.

Дон маҳсулотлари корхоналарининг мутахассислари апробацияда иштирок этиш ҳуқуқига эга:

в) агар ҳўжалик, қандай ҳўжалик бўлишидан қатъий назар ўз эҳтиёжлари учун уруғ етиштирадиган бўлса, бундай ҳўжаликларда апробацияни шу ҳўжаликнинг ҳосилоти ўтказиши мумкин.

Уруғлик майдонларда ўтказилган апробациянинг яъни, апробаторлар ишининг сифатини назорат қилиш ва услубий ёрдам кўрсатиш учун ҳар бир туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида бир нечта ҳўжаликлар учун (қайси идорага тобе бўлишидан қатъий назар) бошқарманинг ёки туман „Уруғназоратмаркази“нинг тажрибага эга бўлган ходимларидан катта апробаторлар ажратилади. Улар апробаторларнинг апробация ўтказишидан бошлаб то ҳужжатни расмийлаштириб тегишли ташкилотларга топшириш жараёнигача текшириб, назорат қиладилар, керак бўлса боғламларни тўғри таҳлил қилинганлигини қайта кўриб чиқадилар.

Апробатор қуйидаги ишларни амалга оширади:

а) даладан (боғлам) намуна олади, унинг таҳлилини ўтказиб, апробация далолатномасини тузади;

б) апробация намуналарини махсус ажратилган жойларда таҳлил қилади;

в) қўлланма асосида ўрим-йиғим бошлангўнга қадар апробацияни, рўйхатга олишни тугаллаб, катта апробатор томонидан текширилган апробация ҳужжатларини ҳўжаликка тақдим этади;

г) навдор майдонларни рўйхатга олади ва уни далада экинларнинг турган ҳолатини кўриб, экилган уруғликка берган ҳужжатлар асосида амалга оширади; .

д) ҳўжалик маъмурияти апробация ўтказиш учун апробаторга инструктаж ўтган тажрибали ходимлардан (боғлам олиш, уни таҳлил қилиш, пояларни санаб чиқишда ёрдамлашди) ёрдамчиларни ажаратади ва далада юриш учун транспорт билан таъминлайди;

е) апробаторлар барча тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказилишига, ҳужжатларни тўлдирилишига ва уларни тегишли ташкилотларга тақдим этилишига шахсан жавобгардирлар. Бундан ташқари, улар уруғлик майдонларни умумий майдонлардан бўлак ўриш бўйича тадбирларни амалга оширишга жавоб беради.

Апробация сифатини уруғчилик қоидаларига риоя қилинаётганлигини апробатор ва катта апробатордан ташқари қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг буйруғи билан тайинланган назоратчилар (инспекторлар) назорат қиладилар. Улар вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари вилоят „Уруғназоратмаркази“ раҳбар ва ходимларидан, давлат нав синаш комиссияси-мутахассислари, илмий-тадқиқот институтлари илмий ходимларидан ва олий ўқув юртларининг ўқитувчиларидан тайинланади.

Апробация ўтказилганлиги учун пул мукофотлари, уруғчилик ҳўжалиги билан апробаторни ўртасида тузилган шартнома асосида тўланади. Бунда катта апробаторга ва инспекторга тўланадиган ҳақ ҳисобга олинади.

Апробатор апробация таҳлилларига кўра қуйидаги ҳужжатларни тўлдиради:

а) кўпайтириш кўчатзори, супер элита ва элита майдонлари учун 197-сонли шакл (эскиси 3-сон шакл);

б) давлат захираларига тайёрланадиган уруғлар (1- репродукция) 195-сонли шакл (эскиси 1-сон шакл);

в) ҳўжалик ўзи учун уруғ жамғараётган бўлса, 193-сонли шакл (эскиси 2-шакл) билан апробация далолатномаларини тўлдиради.

Апробация далолатномаларини қуйидагилар тасдиқлайди:

а) 197-сонли шаклни ҳеч ким тасдиқламайди, комиссиянинг имзосини ўзи қиёф.

б) 195, 193-сонли шаклларни катта апробатор ва назоратчи (инспектор) тасдиқлаши шарт. Апробатор барча қилаётган ишларни махсус журналга ёзиб юриши керак.

Апробация ўтказиш учун уруғлик аттестати (кўпайтириш кўчатзори, супер элита, элита учун), уруғлик гувоҳномаси, наводорлик гувоҳномаси, ўтган йили ўтказилган апробация далолатномаси, мувофиқлик сертификатида биронтаси, яъни экилган уруғликни ҳақиқатдан ҳам экишга тавсия этилган ноёб, истиқболли навлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши шарт.

Апробацияни бошлашдан олдин апробатор қуйидаги ишларни амалга ошириши керак:

а) ҳўжаликда экилган уруғликнинг ҳужжати бор йўқлигини текшириши, агар йўқ бўлса ҳужжатни топтириши шарт;

б) экиш вақтида апробация қилинадиган навни бошқа нав билан аралашиб кетмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак;

в) далани табиий ҳолатида кўздан кечириши, зарур бўлса уни бегона ўт ва бошқа навлардан тозалашни ташкил қилиши керак. Нав ўтоқлари буғдой, арпаларда апробациядан олдин бошоқ тортиш ва мум пишиш даврларида ўтказилади. Апробация даврида апробатор далани ҳосилдорлигини кўз билан чамалайди;

г) апробация намунасини (боғини) олиш учун ҳар бир апробация майдонининг чегарасини аниқлайди, қаердан кириб, қаердан чиқиш йўллариини белгилайди. Уруғликни кўпайтириш қоидаларига риоя қилинмаган бўлса, яроқсиз майдонларни чиқариб ташлаш, керак бўлган тақдирда уруғлик мақсадлари учун кўшимча майдонлар ажратиш ҳақида кўрсатма беради.

Апробация намуна (боғлам) ларини олиш.

Бунда: 1. Навдор майдонлардан олинадиган ҳосилни уруғликка яроқчилигини аниқлаш учун апробатор ҳар бир бўлак майдондан апробация намунасини олади. Боғламни апробатор буғдойни мум ёки тўлиқ пишиш даврида олади. Нима учун? Чунки апробация қилинаётган экинни бошқа навлардан фарқлаш учун бошоқ, килтик, дон ранглари бу даврда аниқ бўлади.

Ҳар бир навнинг ўз тавсифи бор. Бир нав билан иккинчи навнинг фарқини аниқлаш учун буларни апробатор аниқ билиши керак.

2. Боғлам олиш учун апробатор 450 гектаргача бўлган уруғлик майдонининг энг катта диагонали бўйлаб юриб 150 та нуқтадан бир боғ олиб чиқиши керак. Боғламда барча экинларнинг поялар сони 1500 тадан кам бўлмаслиги керак.

Кўпайтириш кўчатзори, супер элита, элита майдонлари апробация қилинаётганда даланинг икки диагоналидан биттадан боғлам олинади ва алоҳида таҳлил қилинади. Агар апробация қилинаётган майдон 450 гектардан катта бўлса 1- репродукцияли далаларнинг ҳар бир диагоналидан биттадан, жами иккита боғлам олинади. Кўпайтириш кўчатзори, супер элита, элита майдонлари 450 гектардан кўп бўлса, мазкур майдон бир нечта қисмларга бўлиниб, ҳар биридан биттадан боғлам олинади. Бир нечта кичик, бир хил нав, бир хил репродукция, бир хил ўтмишдошдан кейин экилган майдонлардан битта боғлам олишга рухсат этилади. Боғни олгандан сўнг апробатор уни этикеткалаб (ёрлиқлаб), ип билан боғлайди. Этикеткада (ёрлиқчада) қуйидаги ёзувлар бўлиши керак: Фермер хўжалиги номи, дала рақами, экин тури, нави, репродукция номлари ва боғлам олинган куннинг санаси. Олинган боғни апробатор таҳлил учун белгиланган жойга олиб келади. Апробация боғлами олиниши билан биргаликда апробатор даладаги тақиқланган (карантин) бегона ўт борлигини ва унинг номини аниқлайди ҳамда бегона ўтлар билан ифлосланиш даражасини белгилайди, бунда: 0-бегона ўт мутлоқо йўқ; 1-кам ифлосланган, бегона ўт онда - сонда учрайди; 2-ўртача ифлосланган, бунда асосий экин билан бегона ўт сони тенгрок; 3-кучли ифлосланган, бунда бегона ўт, асосий экиндан кўп учрайди.

Апробация боғламларини (намуналарни) таҳлил қилиш:

Апробация боғламини таҳлил қилиш намуна олинган кунидан бошлаб икки кун ичида ўтказилиши керак.

Апробация боғламидаги поялар бир неча гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳдаги поялар алоҳида-алоҳида таҳлил қилинади.

Поялар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

а) апробация қилинаётган навнинг яхши ривожланган соғлом поялари;

б) апробация қилинаётган экиннинг бошқа навлари, тур хиллари ва турларининг поялари:

в) ажратилиши қийин бўлган маданий ўсимлик поялари (бунда кузги буғдойда жавдар, арпа, баҳорги буғдойда арпа, арпада буғдой, сули, сулида арпа мавжудлиги) ҳисобланади;

г) ажратилиши қийин бўлган бегона ўтларнинг поялари (бунга буғдойда мохобел, татар гречихаси, мишатник, тухмак, синеглазка, арпа ва сулида қорақўза, қилсимон сули, арпада тухмак, ёввойи турп, тарикда кўк итқўноқ, ғумай мавжудлиги) ҳисобланади;

д) тақиқланган (карантин) бегона ўтларнинг поялари (буларга какра, амброзия ва зарпечакнинг барча турлари, ёввойи кунгабоқар, бурган киради) ҳисобланади;

е) энг хавфли ўтларнинг поялари (бунга ғумай, тухмак, пиёзўт, оддий печак, буғдойиқ, бўзтикан, қорақўзалар киради) ҳисобланади;

ж) заҳарли ўтларнинг поялари (буларга кампирчопон ва туякорин киради) аниқланади;

з) асосий экиннинг касалланган ва зарарланган поялари (чанг қоракуя, қаттиқ қоракуя) кўрсатилади;

и) асосий экиннинг яхши ривожланмаган поялари. Апробация мобайнида шу 9 та кўрсаткичлардан айримлари учрамаслиги ҳам мумкин. Апробация таҳлилидаги барча фракциялар бўйича алоҳида ҳисоб-китоб олиб борилади.

Асосий навнинг поялари юзтадан қилиб боғланади, таҳлил якунида бошқа фракцияларни асосий нав поялари билан биргаликда боғланиб, этикеткага қўшимча апробация далолатномасининг сони ва нав тозалиги кўрсатилади. Апробация таҳлилидан сўнг сақлаш учун намуна яъни боғлам хўжаликнинг омбор мудирига апробация далолатномасига имзоси қўйилиб, топширилади. Боғлам илмий муассасалар ва уруғчилик хўжаликларида 12 ой, бошқа хўжаликларда 6 ой сақланади. Апробация далолатномаларига рақам беришни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари амалга оширадилар. Масалан, туманда 10 хўжалик (ММТП) бўлса, биринчисига 1 дан 10 гача, иккинчисига 11 дан 20 гача ва ҳақозо. Апробация далолатномалари мақсадга кўра бир неча нусхада тўлдирилади (камида 3 нусхада). Шундан биттаси туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига, биттаси хўжаликка, биттаси уруғ топшириладиган дон маҳсулотлари корхонасига берилади.

Апробация даврида навнинг тозалиги аниқланади.

Навнинг тозалиги супер элита ва элита учун 99,7 % дан кам бўлмаслиги керак, кўпайтириш кўчатзорлари учун 100% ва I-репродукцияли далалар учун уч категорияда бўлади:

категория-нав тозалиги 99,5 %;

категория -нав тозалиги 98,0 %

категория-нав тозалиги 95,0 %.

Қайси вазиятда уруғлик майдон яроқсиз (брак) қилинади.
Уруғлик майдон апробация таҳлилларига кўра яроқсиз ҳисобланади:

а) агар барча қийин ажраладиган бегона ўтларнинг поялари билан ифлосланиши 3 фоиздан ошган бўлса;

б) агар маданий ўсимликлар поялари билан ифлосланиши 5 фоиздан ошган бўлса;

в) буғдой ва арпа экинзорларида қаттиқ ва чанг қорақуя билан зарарланиш миқдори жами 0,5 фоиздан ошган бўлса;

Чанг ва қаттиқ қорақуя билан зарарланган суперэлита ва элита экинзорларидан уруғлик тайёрлаш рухсат этилмайди.

Айрим йиллари кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги чанг қорақуя билан кўпи билан 0,1 % ва қаттиқ қорақуя билан 0,06 % зарарланган майдонлардан тайёрланган уруғликка экишда фойдаланиш учун рухсат беради.

Тўлдирилган апробация далолатномалари апробатор, хўжалик вакиллари, катта апробатор томонидан имзоланиб, назоратчи (инспектор) томонидан тасдиқлангандан кейин тегишли ташкилотларга тақдим этилади.

Апробация таҳлилларининг математик ишлови қуйидагича амалга оширилади: Фермер хўжалигида буғдойнинг Таня навли биринчи репродукция уруғи экилган 242 га майдонда апробация ўтказилмоқда. Уруғ Дон маҳсулотлари корхонасидан олинган, уруғга 2009 йил 15 сентябрда ёзилган уруғлик гувоҳномаси берилган, буғдой гўза ўрнига экилган.

Апробацияни туман „Уруғназоратмаркази“нинг инспектори ўтказди.

Апробация вақтида аниқланди:

а) асосий навнинг поялари, яъни Таня навини поялари 1482 та;

б) бошқа нав ва турларнинг поялари жами-5 та

шу жумладан-лютесценс -3 та

эритроспермум -2 та

в) буғдойни ичида арпа поялари -6 та

г) қийин ажраладиган бегона ўтлар поялари

ёввойи сули - 4 та

ёввойи турп - 5 та

жами - 9 та.

д) тақиқланган бегона ўт поялари (какра) -2 дона

е) энг хавфли ўтларнинг поялари йўқ.

ж) заҳарли ўтларнинг поялари йўқ.

з) чанг қорақуя билан зарарланган поя 1 дона

и) асосий экинни яхши ривожланмаган поялари-28 та

Бу кўрсаткич ҳисобга олинмайди.

Булардан ташқари, кўз билан чамалаганда бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси ўртача ифлосланганлиги 2 балл ва ўртача ҳосилдорлик ҳар гектарда 51 центнер эканлиги аниқланди.

Юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиб аниқланади:

1. Нав тозалигини (НТ) аниқлаш.

$$НТ = \frac{1482}{1482+5} \quad 100 = \frac{148200}{1487} = 99,66=99,7 \%$$

Бошқа нав аралашмалари миқдори:

$$100\% - 99,7\% = 0,3\%$$

2. Буғдой боғлами ичидаги қийин ажраладиган маданий ўсимликлар арпа поялари миқдорини (ҚАМЎ)- аниқлаш:

$$ҚАМЎ = \frac{6}{1482+5+6} \quad 100 = \frac{600}{1493} = 0,4\%$$

3. Буғдой боғлами ичида қийин ажраладиган бегона ўтлар миқдорини (ёввойи турп, ёввойи сули ҚАБЎ) аниқлаш:

$$ҚАБЎ = \frac{9}{1482+5+9} \quad 100 = \frac{900}{1496} = 0,6\%$$

4. Буғдой боғлами ичида тақиқланган бегона ўт (какра поялари ТБЎ) миқдорини аниқлаш.

$$ТБЎ = \frac{2}{1482+5+2} \quad 100 = \frac{200}{1489} = 0,13\%$$

5. Асосий экиннинг чанг қорақуяси билан зарарланишини (ЧҚ) аниқлаш.

$$\text{ЧҚ} = \frac{1}{1482+5+1} \quad 100 = \frac{100}{1488} = 0,06\%$$

Барча ҳисоб - китоблар амалга оширилди. Олинган рақамларни 195-сонли махсус шаклга (эскиси 1-сон шакл) туширилади.

**Н.ХАЛИЛОВ, А.АМАНОВ,
П.Х.БОБОМИРЗАЕВ, Ғ.С.ҒАЙБУЛЛАЕВ**

**СИФАТЛИ УРУҒЛИК ДОН ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**
(тавсиянома)

2014 йил 29 августда теришга берилди,
2014 йил 25 сентябрда босишга рухсат этилди.
қозғоз ўлчами 84х60 1/16, 2,0 босма табоқ.
Адади: 100. Буюртма №21.

*"Mehribon Poligraf Servis" МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.*

*Самарқанд шаҳар
М.Қошғарий кўчаси, 85А-уй.*